

2020 йил  
10 декабрь  
пайшанба  
№ 149  
(4433)

# Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!



Кун нафаси



Президент Шавкат Мирзиёев раислигида туризм ва спорт соҳаларида амалга оширилаётган ишлар ҳамда келгуси йилдаги вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди. \*\*\*



Президентимизнинг «Давлат томонидан тартибга солинадиган соҳаларга хусусий секторни жалб этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. \*\*\*

«Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони имзоланди. \*\*\*

«Давлат иштирокидаги корхоналар ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамаси қарори (775-сон, 09.12.2020 й.) қабул қилинди. \*\*\*



Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири **Абдулазиз Комилов** ва Швейцария Конфедерацияси Ташқи ишлар федерал маслаҳатчиси (вазири) **Игнацио Кассис** ўртасида телефон орқали суҳбат бўлиб ўтди. \*\*\*



«Фаровонлик сари шериклик масалалари бўйича Европа Иттифоқи – Марказий Осиё мулоқоти» виртуал Иқтисодий форуми бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси номидан Бош вазир ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умурзоқов қатнашди. \*\*\*

2020 йилнинг 10 декабрь куни Ўзбекистон Республикасининг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига раислиги доирасида видеоконференция шаклида **Ҳамдўстлик иштирокчи давлатлари Ташқи ишлар вазири кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.** \*\*\*

Фарғонада **Ўзбекистон ва Қирғизистон Республикаси чегара олди вилотлари ҳокимлари (ваколатли вакиллари) кенгашининг учинчи йиғилиши** бўлиб ўтди. \*\*\*

**Обиджон Қудратов** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Спорт ва туризмни ривожлантириш масалалари котибияти мудирини этиб тайинланди. \*\*\*

Термиз шаҳридаги Санъат саройида «Деструктив хулқ психопрофилактикаси: муаммо ва ечимлар» мавзуга бағишланган вожа психологларининг биринчи илмий-амалий форуми бошланди. \*\*\*

Ўзбекистон Ёшлар агентлиги Навоий вилоти бошқармаси ва Ёшлар иттифоқи вилот кенгаши томонидан «Биз – биргамиз» шиори остида «**Волонтерлар форуми**» ташкил этилди. \*\*\*

Билиб қўйган яхши



## 2021 ЙИЛДА неча кун қўшимча дам оламиз?

Президентнинг шу йил 3 декабрдаги «2021 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида»ги фармони билан келгуси йилда қуйидаги қўшимча дам олиш кунлари белгиланди:

2 сентябрь – пайшанба,  
3 сентябрь – жума.

Шунингдек, дам олиш кунини

27 март – шанба кунидан 22 март – душанба кунига кўчирилди.

Этиборлиси, фармонда 2021 йил 2 январь – шанба, 20 март – шанба, 22 март – душанба ва 4 сентябрь – шанба кунлари барча ходимлар учун иш ҳафтасининг туридан қатъи назар, дам олиш кунлари ҳисобланадигани белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, бюджет ташкилотларида ушбу фармоннинг 1-бандида белгиланган қўшимча дам олиш кунлари ҳар йилги меҳнат таътилининг давомийлигини икки иш кунига қисқартириш ҳисобига қопланиши, ҳар йилги меҳнат таътили даврида сақланадиган ўртача ойлик иш ҳақи микдорини ҳисоблашда меҳнат таътилининг амалдаги давомийлиги ҳисоба олиниши ва унга Фармонда белгиланган қўшимча дам олиш кунлари қўшилиши кўзда тутилган.

Шу билан бирга, фармонда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига Транспорт вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилотлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда байрам (ишланмайдиган) кунларининг ўзайтирилишини ҳисоба олган ҳолда, республика аҳолиси учун ички туризм ва фаол дам олиш йўналишларини, транспорт ва меҳмонхона хизматлари учун чегирмалар берилишини ҳамда акциялар ўтказилишини ташкил этиш вазифаси ҳам юклатилган.

**Халқаро эътироф**

Америка Қўшма Штатлари Давлат департаменти 2020 йил 7 декабрь кунини расмий баёнот бериб, **Ўзбекистонни диний эркинликлар соҳасидаги «Махсус назорат рўйхати»дан чиқарилганини эълон қилди.** Жумладан, Давлат котиби Майкл Помпео мамлакатимиз эътиқод эркинлигини таъминлаш соҳасида улкан ўсишга эришганини эътироф этди.

Инсонпарварлик

## ВАТАН ТАШЛАБ ҚЎЙМАЙДИ

### «МЕҲР-3» ОПЕРАЦИЯСИ ДОИРАСИДА СУРИЯДАН 98 НАФАР ЮРТДОШИМИЗ – АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАР ОЛИБ КЕЛИНДИ

Давлатимиз раҳбарининг бевосита назорати остида амалга ошириб келинаётган «Меҳр» операциясининг навбатдаги босқичи доирасида, 8 декабрь куни Сурия мамлакатининг жанговар ҳаракатлар давом этаётган қисмидан 98 нафар юртдошимиз, яъни 25 нафар аёл ва 73 нафар бола Ватанимизга қайтарилди. Болаларнинг 14 нафари чин етимлардир. Қайд этиш жоизки, Президент топшириғига кўра, «Меҳр» инсонпарварлик операцияси доирасида 2019 йил Сурия ва Ироқ давлатларидан жами 220 нафар юртдошимиз – аёллар ва болалар олиб келинган эди.



Темирийўчлар ва транспорт қурувчилари касабаси билан «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти тасаруфидagi «Локомотив» марказий жисмоний спорт клубида спорт мусобақаси уюштирилди.

Касаба уюшмалари ташаббуси



## Ҳам ишда, ҳам спортда фаол

Унда тармоқ корхоналарида фаолият кўрсатаётган темирийўчлар спортнинг оммабоп турлари бўлган теннис, дартс, кегли, қисқа масофага сакраш ҳамда югуриш бўйича ғолиблик учун беллашди.

Натижаларга кўра, узоқ масофага сакраш бўйича «Ўзтемирийўчларишмонтаж» унитар корхонаси мутахассиси **Ф.Раҳимбердиев**, югуриш эстафетасида «Боштранслейиҳа» акция-

дорлик жамияти жамонаси, кегли беллашувларида «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти махсус хизмат бошқармаси ходими **И.Ларькова** барча рақибларини ортда қолдириб, 1-ўринга сазовор бўлди.

Теннис мусобақаси ҳам кескин курашларга бой ўтди. Яқунда «Тошкент йўловчи вагонларни қуриш ва таъмирлаш заводи» акциядорлик жамияти ходими **А.Арслонов** ғолибликни қўлга киритди.

Спортнинг дартс турида «Кўприққурилиш трести» унитар корхонаси ходими **А.Гуралга** тенг келадигани топилмади.

Ғолиблар Темирийўчлар ва транспорт қурувчилари касабаси билан Республика кенгашининг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

**Шерзод ИСМОИЛОВ**, Темирийўчлар ва транспорт қурувчилари касабаси уюшмаси Республика кенгаши бўлим мудирини

**БИЗГА ИЖТИМОЙ ДОРИХОНАЛАР ҚАНЧАЛИК ЗАРУР?**

2

Келгуси сонларда ўқинг...





Хоразм вилояти  
Афғон урушида хоразмлик 3056 нафар йиғит иштирок этиб, жанг майдонларида 79 нафари ҳалок бўлган. 1280 нафари жаҳодат олиб қайтган. Улардан 350 нафари турли йилларда оламдан ўтган.

Эзгулик

## Фахрийлар ардоқда

Хивалик биринчи гуруҳ ногирони Одилбек Отажонов шу уруш туфайли оёқларидан айрилган. Орзулари саробга айланган. У каби маънавият соҳиблари касабани уюшмаларнинг доимий эътиборида. Тез-тез фахрий жангчи ҳолидан хабар олиб турилади.

Яқинда Хоразм вилояти касабани уюшма ташкилотлари бирлашмаси Одилбек Отажоновга ногиронлик аравачаси тухфа қилди.

– Юртимиз тинч бўлсин, амалга оширилаётган эзгу ишлар ривож топаверсин, – дея қўлларини дуога очди Одилбек ака.

Бахтиёр ИСМОИЛОВ,

Хоразм вилояти касабани уюшма ташкилотлари бирлашмаси раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

## Бор бўл, оқибат!

Хайр-саховат, инсонпарварлик, кўнгли ўқик инсонларга меҳр кўрсатиш халқимизга хос улғу одатларимиздан. Ногиронларга ғамхўрлик қилиш, ижтимоий ёрдам кўрсатиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятда ўз ўрнини эгаллашлари имконият яратиш борасидаги савобли ишларда Темирийўлчилар ва транспорт қурувчилари касабани уюшмаларнинг ўз ўрни бор.



## Хайрли ишлар бардавом

Соҳадаги корхона, ташкилот ва муассасаларда ногиронлиги бўлган ходимлар ва пенсионерларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари доимий ҳимояда. Темирийўл тизимидаги ҳудудий, бошланғич ва бирлашган касабани уюшма ташкилотларида 3 декабрь – Халқаро ногиронлар кунини муносабати билан бир қатор савобли ишлар ташкил қилинди. Ушбу саховатли ишлар Бош қомусимиз қабул қилинган кун арафасида ҳам давом эттирилди. Кўнгли ўқик темирийўлчилар ва пенсияга чиққан собиқ ишчи-ходимларга байрамона кайфият улашилди. «Ўз-темирийўлмаштаъмир» УК Қизил ярим ой жамияти билан ҳамкорликда 1 нафар ногирон пенсионерга ногиронлик аравачаси совға қилди.

«Бухоро» минтақавий темирийўл узели касабани уюшма ҳудудий қўмитаси томонидан болалар ногиронлиги уйига байрам дастурхони ёзилиб, улар қалбига олам-олам қувонч улашилди. Шунингдек, иш берувчи томонидан 2 нафар ишламайдиган ногироннинг уй-жойлари таъмирлаб берилди.

Тармоқ касабани уюшмалари томонидан 250 нафардан ортиқ ижтимоий ҳимояга муҳтож ногиронларга озиқ-овқат тўпламлари, 217 нафарига қимматбаҳо уй-рўзгор буюмлари манзилли етказиб берилиб, улар ҳолидан хабар олинди. Шунингдек, ногирон фарзандни тарбиялаётган темирийўлчилар моддий жиҳатдан рағбатлантирилди.

Шерзод Йўлдошев,  
Темирийўлчилар ва транспорт қурувчилари касабани уюшмаси Республика кенгаши бўлим мудири



Таълим ва фан ходимлари касабани уюшмаси Гулистон шаҳар кенгаши Гулистон шаҳар халқ таълими бўлими ҳамкорлигида шаҳардаги умумтаълим мактаблари ходимлари ўртасида «Спорт – саломатлик кунини» шиори остида спартакиада турнири ўтказилди.

Унда 20 та ташкилотдан шакллантирилган гуруҳлар спортнинг волейбол турида баҳсларга киришди. Турнир якунида 1-умумтаълим мактаби ходимлари мутлақ ғолибликка эришди. Шаҳар 5-умумтаълим мактаби жамоаси ва 15-умумтаълим мактаби ходимлари иккинчи ва учинчи ўринларни қўлга киритди.



Спорт

## Саломатлик сари

Ғолибларга касабани уюшмасининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Худди шундай спорт мусобақасини тармоқнинг Мирзаобод тумани кенгаши ҳам ташкил этди. Унда туман халқ таълими тизимидаги раҳбар ходимлар ва уларнинг ўринбосарлари ўртасида мини-футбол турнири ўтказилди. 97 нафар спортсеварлар

тадбирида туман ҳокими Жонибек Ериев ҳам иштирок этди. Мусобақа ғолиблари касабани уюшмасининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,  
«ISHONCH»



## Чарчоқларни ёзган беллашув

Таълим ва фан ходимлари касабани уюшмаси Ғаллаорол тумани кенгаши умумтаълим мактаблари ходимлари ва уларнинг оила аъзолари ўртасида «Спорт – саломатлик кунини» шиори остида «Отам, онам ва мен – соғлом оила!» оилавий спорт мусобақаларини ўтказди.

Унда қатнашган 9 та оила вакиллари ғалабага бўлган иштирокини намойиш қилишди. Анъанага мувофиқ, мусобақалар ҳар бир бошланғич ташкилотларда алоҳида ўтказилиб, оила-

лар 7 шарт бўйича беллашишди. Бир-биридан қизиқарли ўтган беллашувларда чақонлик, энгиллик, мерганлик, маҳорат синновдан ўтди. Қайси оилада азалидан спортга иштиёқ баланд, қайси бири мусобақалар сабаб шугулланыпти, ҳаммаси аён бўлди.

– Мусобақаларнинг худудий босқичида 100 дан зиёд оилалардан 300 нафардан зиёд иштирокчи ўзаро куч синашган касабани уюшма аъзоларининг спортга қизиқиши ошиб бора-

ётганидан далолатдир, – дейди тармоқ ходимлари касабани уюшмаси туман кенгаши раиси Абдулҳаким Шакарбоев.

Танлов якунидаги кўра, 25-мактабдан Сирожидиновлар оиласи 1-, 44-мактабдан Баҳромовлар оиласи 2-, 78-мактабдан Қаршибоевлар оиласи 3-ўринни эгаллашди.

Ғолибларга совғалар топширилди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ,  
«ISHONCH»

Албатта, бу бежиз эмас. Чунки аҳолининг кам таъминланган қатлами ва оил қишлоқ ҳудудларида яшаётган юртдошларимизни сифатли ва арзон дори маҳсулотлари билан таъминлаш, шунингдек, давлат назоратида бўлган 13 тоифадаги касалликка чалинган юртдошларимизни 126 турдаги зарур дори маҳсулотлари билан таъминлаш вазифаси ҳам айнан улар зиммасига юклатилган.

Компанияга қарашли дорихоналарда тиббиёт буюмлари ва дори маҳсулотлари чакана нарҳда харид нархининг 10 фоизидан ошмайдиган савдо устамаси, ижтимоий аҳамиятга эга фармацевтика маҳсулотлари эса қатъий белгиланган нарҳларда сотилади.

Бундан ташқари, ижтимоий дорихоналар кучли оғриқ қолдирувчи ва психотроп дори воситалари савдоси билан рецепт асосида расман шугулланади. Хуллас, бозор иқтисодиёти шароитида ушбу дорихоналардан халқ учун кўзланган мақсадлар ниҳоятда хайрли. Шу боис, улар кўйидаги энг муҳим хусусияти билан аҳоли эътиборига тушган.

### АРЗОН НАРХЛАР – ТАРМОҚЛАШГАН ТИЗИМ ЮТУҒИ

Мазкур дорихоналар, аввало, тармоқлашгани билан фарқ қилади. Хусусий дорихона эгаси биттадан 10 тагача, кўпи билан 100 тагача дорихона бозорчаси, ижтимоий дорихоналар тизимида бутун юртимиз бўйлаб тарқалган 2300 га яқин дорихона бошқарилади ва дорилар билан таъминланади. Масалан, хусусий дорихона эгаси битта доридан 10 дона сотиб олса, «Дори-дармон» акциядорлик компаниясига қарашли дорихоналарнинг ҳар бирига биттадан дори олинганда ҳам улар 2300 донага айланади ва бу орқали компания бозорда дори маҳсулотларини хусусийларга қараганда сезиларли арзон нарҳларда сотиб олишга эришади. Натижанда, бу уларнинг маҳсулотларини бошқалардан арзонроқ сотиши учун ҳам имконият яратди. Шу боис, аксарият юртдошларимиз «Дори-дармон»га қарашли дорихоналарнинг арзонлигини яхши билади ва дорига муҳтож бўлганда, айниқса, нафақахўр ва кам таъминланган оила вакиллари, аввало, уларнинг эшигини қоқди. Масъулларнинг айтишича, тизимдаги 70 фоиз дорихоналар туманлар ва олис қишлоқ ҳудудларида жойлашган. Айниқса, уларнинг аҳоли кам худуд-

ларда зарарга (фойдага ишламаётган) бўлса-да, ўша ҳудуддаги юртдошларимизни тиббий жиҳатдан ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида фаолият юритаётгани тахсинга лойиқ.

### ДОРИ ТУРЛАРИ ҚАЧОН КўПАЯДИ?

– 2005 йилдан 2015 йилгача «Дори-дармон» компанияси дорихоналари арзон нарҳлардаги дорилар билан энг нуфузли дорихоналарга

кетди. Ҳар қанча арзон бўлишига қарамадан харидор излаган дори-дорисини тополмаса, кейинги сафар бу ерга киргиси келмайди. Аммо ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар кам эмас, боз устига, пандемия шароитида халқимизнинг арзон ва сифатли дориларга талаби ҳар доримидан ҳам юқори. Айнан ана шу мақсадларни кўзлаб ташкил этилган дорихоналар эса туман марказлари, қишлоқ ва олис ҳудудларда жойлаш-

мақсади фақат фойда топиш бўлган хусусий дорихоналар аксарият ҳолларда кундузи ишлайди ва ҳаттоки шаҳар шароитида ҳам аҳоли кечаси узоқларга бориб дори қидиришига тўғри келади. «Дори-дармон» компаниясининг расмий сайтыда эса пойтахтимиздаги 8 та дорихонагина 24 соат ишлаши кўрсатилган. Тармоқлашган дорихоналарда дори нарҳлари имкон қадар бир хил бўлиши ёки катта фарқ қилмас-

## Сиз нима дейсиз?

фоизли субсидия берилди. Аслида эса фармацевтика бозорига ҳаммага бирдек имтиёз берилиши керак!»

Албатта, бу баҳсли мавзу. Чунки агар кучли оғриқ қолдирувчи психотроп дорилар савдоси учун хусусийларга ҳам рухсат берилса, шундоқ ҳам бу борада энди назорат кучайиб, камайган ноқонуний савдолар яна авжига чиқиб кетиши мумкин. Қолаверса, хусусий дорихона эгасига чўл ва олис қишлоқ ҳудудида яшаётган 3000 ёки 4000 нафар аҳолиси бор қишлоқда дорихона очиб унчалик қизиқ эмас. Чунки у ерда фаолият кўрсатиш катта фойда келтирмайди. Ижтимоий дорихона эса ўзининг кўча ва қишлоқ оилавий поликлиникалари қошида очилган ана шундай зарарига ишлаётган дорихоналарини ҳам шаҳардаги фойда келтирётган бошқа дорихоналари ҳисобига «сақлаб турибди». Масалан, Самарқанднинг Нуробод тумани марказидан 45 километр узоқда бўлган Олга қишлоғи ёки Қўшрабод тумани марказидан тахминан 60 километр узоқда бўлган Урганчи қишлоғидаги 3 минг нафар аҳоли ҳам битта оғриқ қолдирувчи ёки қон босимини туширувчи дори учун шунча узоқ масофани босиб, туман марказига қатнаши қанчалик адолатли?

Ижтимоий дорихоналар эса ана шундай ҳудудларда ҳам кам фойда қўраётган, айримлари зарарига ишлаётган бўлса-да, беминнат хизмат қилиб келмоқда. Шу боис, уларга давлат томонидан имтиёзли субсидия ажратилган. Аммо улар давлат томонидан берилётган ушбу қайтариувчи субсидиядан оқиллона фойдаланиб, мавжуд камчиликларини бартараф эта олса ва айниқса, дори турларини кўпайтиришга эришиб, хусусийлар билан соғлом рақобат қила оладиган нуфузли тизимга айлана олсагина, чин маънода халқимизнинг ишончини оқлайди. Шундай экан, тизимдан фақат яхши янгиликлар, ислохотлар ва ўзгаришлар кутиб қоламиз. Чунки халқимизга, айниқса, қишлоқ аҳолисига ижтимоий дорихона жуда керак!

Зебо НАМОЗОВА,  
«ISHONCH»



ҲОЗИРГИ ПАЙТДА ЮРТИМИЗДА 14 ЯРИМ МИНГТАДАН ОШИҚ ДОРИХОНА МАВЖУД БЎЛИБ, УЛАРНИНГ 2300 ТАГА ЯҚИНИ ИЖТИМОЙ ДОРИХОНАЛАР, ҚОЛГАНЛАРИ ЭСА ХУСУСИЙДИР. «ДОРИ-ДАРМОН» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИГА ҚАРАШЛИ АРЗОН ДОРИХОНАЛАР ИЛК БОР 2005 ЙИЛЛАРДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН БЎЛИБ, 2017 ЙИЛГА КЕЛИБ УЛАРГА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТАШАБУСИ БИЛАН «ИЖТИМОЙ ДОРИХОНА» МАҚОМИ БЕРИЛДИ.

айланган эди. Аммо кейинчалик компания бошқарувиغا фармацевтика бўйича етарли билимга эга бўлмаган мутахассисларнинг раҳбарлик қилиши натижасида вазият тубдан ўзгариб кетди.

– Компанияга қарашли дорихоналаримиз банкрот аҳволга келиб, 2020 йилдагина фойда билан чиқдик, – дейди «Дори-дармон» акциядорлик компаниясининг «Ички фармацевтика назорати» бўлими бошлиғи Илҳом Халилов. – Ҳозирги пайтда бошқарув тизимида кадрлар янгилашиб, тизимда ижобий ўзгаришлар кўпаймоқда ва хизмат сифатлари яхшилаш борасида изланылмоқда.

Дарҳақиқат, ўтган давр мобайнида ижтимоий дорихоналарда дори турлари сезиларли камайиб

гани билан бирга зарур дориларнинг турини ҳам кўпайтиришга зарурат юқори. Масалан, дорихонада юқори сифатли хизмат кўрсатиш учун 2800-3000 турдаги дори мавжуд бўлиши керак. Ижтимоий дорихоналарда эса ҳозирда бу кўрсаткич тахминан ўртача 2000 та. Дорихонага кирган одамлар аксарият ҳолларда сўраган дорисини тополмай чиқиб кетади. Масъуллардан бу ҳолатга изоҳ сўраганимизда, улар тармоқлашган тизим бўлгани боис дори турларини кўпайтириш учун жуда катта айланма маблағ зарурлиги, айни пайтда бу масъала компания раҳбариятининг ҳам эътиборидаги энг муҳим вазифалардан бири эканини маълум қилишди.

Бундан ташқари, тизимда 24 соатлик дорихоналар сонини ҳам кўпайтириш зарур. Чунки асосий

лиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Аммо юртдошларимиз орасида айрим дориларнинг фарқ билан сотилаётганини мисол қилиб келтирганимиз ҳам кўп. Демак, бу нарх тафовутлари борасида ҳам чоралар кўрилиши кераклигини аналитади.

### РАҚОБАТЧИЛАР ҚАНДАЙ ФИКРДА?

Айрим хусусий дорихона эгаларига «Ижтимоий дорихоналар сизга қай даражада рақобатчи бўляпти?» деган савол берганимизда уларнинг аксарияти фармацевт Аслиддин Файзиевнинг кўйидаги фикрларини тасдиқлади: «Ижтимоий дорихоналарда аҳолига зарур дори турларининг камлиги боис, хусусий дорихоналарга кучсиз рақобатчи ҳисобланади. Уларга бу йил давлатдан 1





**Кейинги йилларда театрлар репертуари билан танишган кишида бир савол туғилиши аниқ: сахналаримизда кўрсатилиб турган асарларнинг қанчаси замон талаби даражасида, бугунги кунга ҳамнафас-у, эртанги кунимизга ҳам хизмат қила оладими?**

Шу ўринда бировлар «якши драматик асарлар кам яратилаётган бўлса, театрлар бориға қараб тўн бичишга мажбур-да», дейиши мумкин. Лекин бундай фикр билдирувчилар, афсуски, кўпроқ ўтган бир-икки йил ичида ёзилган пьесаларни назарда тутди, холос. Бизнингча, бугунги ўзбек театри репертуарини шакллантиришда фақат сўнгги йилларда ёзилган пьесалар билан чегараланиш тўғри эмас. Чунки яхши асарлар момақалдириқдан кейин бодраб чиққан кўзиқориндек ялпи пайдо бўлавермайди.

Маҳмудўжа Беҳбудийнинг «Падарқуш» асари билан тамал тоши қўйилган ўзбек драматургияси хазинасида бугунимиз ва эртанги кунимизга қила оладиган, ўртага қўйилаётган мақсад ва вазифаларни ҳал қилишга ҳисса қўшаётган асарлар ҳам анчагина топилади. Қолаверса, ҳақиқий бадиий асар замон тўполонлари, давр пўртаналаридан омон-эсон ўтиб, мангу яшайверади, ҳеч бўлмаса, узоқ йиллар ўз аҳамиятини

ўйқотмайди. Шундай асарлар яратган муаллифлардан бири ёзувчи ва драматург Абдуқаҳҳор Иброҳимовдир.

Унинг «Биринчи бўса», «Мени айти деманг», «Соққи», «Зулдир», «Бу замон ўғлони», «Майли, майли» каби пьесалари, «Тусмол», «Пуч» трагикомедияси, «Чакана савдо (Бир ўликка – бир тирик)» сиёсий памфлетлари турли театр сахналарида сахналаштирилиб, танқидчи ва томошбинларнинг юксак эътирофига сабаб бўлган. Адиб асарлари ҳақидаги бундай илиқ сўзлар нафақат Ўзбекистон матбуотида, шу билан бирга АҚШ, Германия, Туркия, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон,

бўлмиш трансплантология – инсоний тўқиманинг бир қисми ёки инсоннинг бутун бир аъзосини бошқа бир кишига кўчириб ўтказиш соҳасида кўп-лаб тажриба ва изланишларни амалга оширмоқда. Натижада, ҳозирги пайтда турли мамлакатларда минглаб кишига буйрак, юзлаб кишига юрак ва жигар кўчириб ўтказилмоқда. Улимга маҳқум бўлган беморларнинг умрлари бироз бўлса-да, узаймоқда. Демак, тиббиётда янги давр бошланди. Лекин... Ҳамма гап ана шу «лекин»да! Кашфиёт ва ихтироларнинг ўз ҳолича яхши-ёмони бўлмайди. Улардан инсон бахт-саодати йўлида ҳам, унга қарши ҳам фойдала-

ниб кетиш хавфи тобора кучайиб бормоқда. Барча тараққийпарвар кишилар бу хавфдан – бир пулдор одамнинг бахти иккинчи бир пулсиз одамнинг ҳалокати билан боғлиқ бўлиши хавфидан ташвишланмоқда. Кенг ва чуқур мушоадала, тараққийпарвар драматург Абдуқаҳҳор Иброҳимовни ташвиши солган ва қўлига қалам олишга ундаган нарса худди шудир.

Тарихдан маълумки, қулдорлик жамиятида қулдор қулни улгуржи сотиб олиши ва сотиб юбориши мумкин эди. XX асрнинг охирига келиб эса чакана-лаб сотиш-олиш хавфи пайдо бўлди. Буни исинида ҳам даҳшатли, ахлоқан

Уйғур номидаги Сурхондарё вилояти давлат мусикали драма ва комедия театрида шу пьеса асосида сахналаштирилган спектакль ҳам «Бир ўликка – бир тирик» деб аталади.

Бундай номланиш «пул мутлақ ҳукмрон муҳитда бир пулдор кимсаннинг бахти иккинчи бир пулсиз кишининг бахтсизлиги устига қурилиши мумкин», деган ғояни тўлиқроқ талқин қилади. Шу пьеса асосида «Ёш гвардия» (ҳозирги Ўзбек давлат драма) театрида режиссёр Наби Абдураҳмонов сахналаштирган спектакль ҳам, муаллифнинг «Тусмол» пьесалар тўпламида ҳам ушбу асар «Чакана савдо» деб аталган. Тўғри, иккала ном пьесанинг мазмунига мувофиқ келади. Бироқ, бизнингча, «Бир ўликка – бир тирик» деган ном «Чакана савдо»га нисбатан жиддий ва салобатлироқ, асар моҳиятини тинчроқ ифодалайди. «Бир ўликка – бир тирик»дек жиддий асар, жиддий ном билан аталгани маъқул. Асардаги бош қаҳрамонлар ва персонажлар одатдаги номлар билан эмас, балки шахарлар, қишлоқлар, собиқ концентрацион лагерларнинг номлари билан аталиши ҳам бежизга эмас. Масалан, салбий қаҳрамонларга Освенцим, Бухенвальд, Атика номлари берилган. Хиросима, Нагасаки, Абу Забал, Бельфаст, Сонгми номларида афкор омма вакиллари акс этган. Асар қаҳрамонлари ва персонажларни бирор миллат ё элатга хос исм билан номланмагани бу масала бутун инсониятга дахлдор эканига рамзий ишорадир.

Зеро, дунёнинг қайси бир минтақасида яшаш, қайси ирқ-у миллатга мансуб эканидан қатъи назар, инсониятни юксак ахлоқига сақлаб қолади. Шу маънода, «Бир ўликка – бир тирик» сиёсий памфлети умумбашариятга доир ахлоқий муаммолардан баҳс этади, бадиий образлар оқоли тасвирлайди. «Бир ўликка – бир тирик» пьесасига хос барча фазилатлар муаллифнинг деярли барча сахна асарларида у ёки бу қўринишларда мужассам топган. Бинобарин, олимларнинг буюк кашфиёт ва ихтироларидан «Бир ўликка – бир тирик» асаридан илгари сурилганидек эзгу мақсадлар йўлида фойдаланилганидагина юксак инсоний ахлоқ сақлаб қолинади.

**Абдулазиз ИБРОҲИМОВ,** шарқшунос

# Жалоскор куч

Озарбайжон, Украина, Молдавия, Эстония каби мамлакатлар нашрларида ҳам билдирилган. Драматург қаламига мансуб қатор пьесалар ўз вақтида хорижий давлат сахналарида ҳам муваффақият қозонгани билан аҳамиятлидир. Бундай муваффақиятлар, бундай эътироф этилишлар бежиз эмас, албатта. Булар драматурглик истеъдоди, тинимсиз ижодий изланишларнинг самараси эди.

«Чакана савдо» пьесаси жанр этибори билан сиёсий памфлет бўлиб, сюжет жуда кескин. Унда муаллиф айрим сармоядорлар дунёси, «пул билан ҳамма ва ҳар қандай ишни қилиш мумкин», дегуви кишиларнинг ахлоқини ҳамда пулдорлар тўдасининг ижтимоий иллатларини фош этади ва бу ҳолатга қарши бонг уради.

Инсониятни бундай кимсаларнинг қилмишларига қарши курашиш, хушёрлик, номақбул ахлоқий қарашга қарши туриш унинг кенг ёйилиб кетмаслигининг олдини олишга чорлайди. Бу борада муаллиф рамзлар билан иш қўради, турли адабий усуллардан ўринли фойдаланади.

Жамоатчиликка аёнки, тиббиёт олимлари жарроҳликнинг янги соҳаси

ниш мумкин. Масалан, Альберт Эйнштейн эҳтимолий назариясини кашф этиши натижасида термоядро реакцияси ва термоядро курули вужудга келди. Ваҳоланки, бу кашфиётни шўр сувни ичимлик сувига айлантириш воситаси ёки қирғин курули сифатида ҳам ишлатиш мумкин. Демак, муайян мамлакатдаги мавжуд тузум, унинг тепасида турган кишилар олимнинг кашфиётидан қандай ва қайси бир мақсадда фойдаланиши белгиланган. Бундаги энг катта хавф шуки, мабодо сармоядорлар билан сиёсатни мамла оширувчи давлат ташкилотларининг бошлиқлари ўзаро келишиб олган бўлса, оддий фуқароларнинг шўри қурияди. Ҳар борада ва ҳар бир соҳада пул ҳукмрон бўлган муҳитда трансплантологиянинг олди-сотди воситасига айла-

хам ўта тубандир. Бу бир халқ ёки бир китъа доирасидаги хавф эмас, балки пул ҳукмрон барча жойларга хос хавф. Бутун ер юзиде бозор иқтисодиётига ўтиш авж олаётгани сармоядорларнинг ахлоқ-одобига жиддий этибор бериши тақозо этади.

«Чакана савдо» асарининг бугунги ва эртанги кун учун ҳам аҳамиятга эга экани ҳам ана шундадир. Ер юзидеги энг шадид зот бўлмиш одам ҳаёти – у пулдор кимсами ёки оддий фуқароми, бундан қатъи назар – дахлсиз бўлиши шарт. Пьесанинг замирида ана шу ғоя оддий фуқароми, бундан қатъи назар – дахлсиз бўлиши шарт. Пьесанинг замирида ана шу ғоя

ётади. Шу ўринда асарнинг номи билан боғлиқ маълумотни ҳам айтиб ўтишга зарурат бор. У дастлаб «Бир ўликка – бир тирик» деб аталган. Пьесадан парчалар ҳам шу ном билан чоп этилган. Маннон

**«ЧАКАНА САВДО» ПЬЕСАСИ ЖАНР ЭТИБОРИ БИЛАН СИЁСИЙ ПАМФЛЕТ БЎЛИБ, СЮЖЕТ ЖУДА КЕСКИН. УНДА МУАЛЛИФ АЙРИМ САРМОЯДОРЛАР ДУНЁСИ, «ПУЛ БИЛАН ҲАММА ВА ҲАР ҚАНДАЙ ИШНИ ҚИЛИШ МУМКИН», ДЕГУВИЧИ КИШИЛАРНИНГ АХЛОҚИНИ ҲАМДА ПУЛДОРЛАР ТЎДАСИНИНГ ИЖТимоий ИЛЛАТЛАРИНИ ФОШ ЭТАДИ ВА БУ ҲОЛАТГА ҚАРШИ БОНГ УРАДИ.**



## БИР КУН БЎЛСА, ЎН КУН ЙЎҚ

Яна... яна газ муаммолари ҳақида

**Очиғи, кунлар совуши билан табиий газ босимининг пасайиши ёки умуман бўлмағи қолишига кўпчилик ажабланмай ҳам қўйди.**

### «УЙМИЗ ИСАСА БЎЛДИ...»

Данғара туманидаги Жарқиқликда ёзи билан бинойидек ёниб турган газ, айни асқотади-ган пайтда қорасини кўрсатмай қўяди. 304 та хўжаликни жамлаган бу қишлоқ аҳли бугунги кунда табиий газ йўқлигидан азият чекоқда. Югур-югурлар, туман газ идорасига қайта ва қайта боришлардан эса ҳеч қандай наф чиқма-япти.

Ёндош ҳудудларга етаётган газнинг келиб-келиб, шу маҳалла бўсағасида таги кўриниб қолаётгани қизиқ.

– Киш кириб келмасданок газ босими тушиб кетди. Кейинги кунларда эса умуман ёнмай қолди, – дейди жарқиқликлик Ҳасанжон Курбонов. – Газ босимини ошириб беришни сўраб, «Данғаратумангаз» бўлими филиалига бир неча марта мурожаат қилдик. Масъуллар вазият ўнланишида ёрдам беришларини айтиб, кўнглимизни кўтаришди. Кейин эса хат йўллаб, қишлоқ аҳолиси табиий газ таъминотиға ўзича уланиб олганлигини рўқач қилишди. Қизиқ, бундан икки йил аввал туман газ идорасининг вакиллари хонадонларга газ ҳисоблагич ўрнатишгаётганда бу ҳақда лом-мим дейишмаганди-ку! Қайтанга «ҳисоблагич қўйсангизлар газ зўр бўлади» деб қишлоқ аҳлининг қўйнини пуч ёнқоққа тўлдиринганди. Энди мурожаат қилиб борсак, «сизлар сунолтирилган газ таъминотиға мослаштирилган ҳудудсизлар» деб Данғара тумани ҳокимининг 2015 йилдаги қарорини рўқач қилишмоқда. Рўйхатни кўрсангиз, тумандаги деярли барча маҳаллалар табиий газ етиб бормайдиган, газ таъминоти қониқарсиз деб кўрсатилган. Лекин ордан шунча вақт ўтди. Туман газ идора вакиллари эса эскирган қарорға таяниб, зарур чораларни кўриш ўрнига, турли баҳоналар қилаётгани ажабланарли.

– Киш мавсуми бошланиси билан ичимизга гулгула тушаверади. Сабаби, уйни қандай иситишни билмаймиз. Газ берилмайди, электр қуввати паст, – дейди Зоҳиджон Ашуров. – Ишонасизми, битта уйда овқатланамиз, битта уйда ухлаймиз, болаларнинг дарс хонаси ҳам шу. Мана ҳозир печкаға эски оёқ кийимими,



латтами, нима ёнса шуни солиб, уй иситяпмиз. Бадбўй ҳидға кўни-киб ҳам кетдик.

### САМАРАСИЗ ЧОРА...

Айни вақтда барча автомо-билларга газ қўйиш шохобчалари соат 17:00 гача ишлаяпти. Сабабини сўраганларга, буни кечки пайтда аҳоли хонадонларига табиий газ етказиб бериш билан боғлашмоқда.

Ҳўш, аҳолини ўйлаб метан «заправкалари» ёпилгач, аҳоли ўз хонадонларида табиий газ таъминоти яхшиланишини сездимми? Уларнинг хонадонларида газ ёняптими?

Бу саволға жавоб топиш учун туманнинг Тегирмонбоши ва Эшонбобо қишлоқларида ўрганишлар олиб бордик. Афсуски, аҳвол ҳавас қиладиган даражада эмас. Соат 19:00. Розиковлар хонадонидамиз. Печка турбасидан буралаб тутун чиқмоқда. Хонадон эгасидан газ бор-йўқлигини сўраймиз.

– Ноябрь ойининг бошларига гача газимиз ёнди. Кейин эса ўчди-қолди, – дейди Рафиқ Розиков. – Уйда гўдақ фарзандимиз бор. Электр печка ёқсак, қувват пастлигидан уй исимайди. Газ ёқайлик



десақ, аҳвол ҳалигиндақ. Мана ҳозир ҳовлидаги мевали дарахтларни кесиб, уйни иситяпмиз. Тунов кунни маҳалладан одамлар газ йўқлигидан шикоят қилиб, мутасаддилар билан учрашганди. Буни қарангки, ўша кунга газ келди. Бир кун ўтиб, яна ўчди. Газ кундузи бўлмаганга яраша, ҳеч бўлмаса, кечга томон беришсин. Ахир аҳолиға газ беряпмиз деб, «заправкаларни» соат 17:00 дан ёпишяпти-ку!

– Уй совуқлигидан болаларнинг ювилган кийимлари ҳам қуримаяпти. На газ бор, на тузукроқ электр токи, – дейди Садоқатхон Аҳмадалиева. – Совуқдан болаларим тез-тез шамоллаб қоляпти. Ўтган йили сал-пал газ ёниб турганди, мана ҳозир ёнмайпти. Бир кун газ келса, ўн кун бўлмайди.

### «КАТТАЛАР»ГА МУРОЖАТ ҚИЛСАК...

Тегирмонбошилик, эшонбоболиклар билан сўхбатлашар эканмиз, ноябрь ойининг ўрталарида маҳалла фаоллари газ йўқлигидан шикоят қилиб, туман мутасаддилари билан учрашиганини, масъуллар «мурожат ортида инсон тақдири ётганини» ҳис этиб, ўша кунга газ «мурватини» озгина бураб, газни кўтариб беришганини айтишди. Аммо хурсандчилик узоққа чўзилмабди. Эртаси кунлик газ яна ўчибди. Шу ўринда бир савол туғилади: ўша кунга ёнган газ нега яна йўқ бўлиб қолди. Ёки одамлар газ йўқлигини айтиб «катталар»ға мурожаат қилсагина, «бир» кунга ёқиб беришадими?

Уйлаймизки, мутасаддилар юқорида тилға олинган қишлоқлар аҳолисини қийнаётган муаммоларни хал қилишда амалий кўмақ кўрсатишди. Биз эса вазият ўзгаргани ҳамон мазкур мавзуга яна қайтамиз.


**Жамшид ЭРҒАШЕВ,** «ISHONCH»

### Кино



## «ФАРИДАНИНГ ИККИ МИНГ КЎШИГИ» «ОЛТИН ГЛОБУС»ГА ДАЪВОГАР

**«Ўзбекино» Миллий агентлиги буюртмасига биноан «Fox music cinema» студияси томонидан суратта олинган «Фариданинг икки минг қўшиги» фильми «Олтин глобус»нинг бу йилги 78-«Хорижий тилдаги энг яхши фильм» номинациясида иштирок этиш учун танлаб олинди. Жорий йил 77 мамлакатнинг 138 та фильми «Хорижий тилдаги энг яхши фильм» номинациясиға даъвогарлик қилмоқда.**



Мазкур фильмда ўтган асрнинг бошларида Туркистонда юз берган сиёсий воқеаларнинг шунинг-юрт аҳолисиға кўрсатган таъсири бир оила мисолида очиб берилди. Яъни юртда юз бераётган воқеа-ҳодисаларға эътибор бермай, одамлардан нарида уч нафар хотини билан умргузаронлик қилаётган Комил тўртинчи бор уйланади. Янги аёлнинг оилаға кириб келиши билан боғлиқ баъзи можаролар ва ҳудуддаги сиёсий аҳвол хонадон парокандалигиға сабаб бўлади.

нов, Юлдуз Ражабова, Элмира Раҳимжоновна, Маржона Ўлжаева, Санобар Ҳақназарова, Нодира Хожикўлиева, шунинг-дек, Анвар Ҳамроқулов, Комил Шокиров каби актёр ва актрисаларни кўриш мумкин.

Картина Сурхон воҳасининг Бойсун тоғларида тасвирға туширилган. Эслатиб ўтамиз, аввалроқ Оскар мукофотининг «Энг яхши халқаро бадиий фильм» номинациясиға Ўзбекистон номидан «Фариданинг икки минг қўшиги» фильми илгари сурилган эди.

Сценарий муаллифи ва режиссёр Ёлқин Тўйчиев, постановкачи оператор Баҳодир Йўлдошев, постановкачи расм Бектош Ражабов, фильм директори Шавкат Ризаев.

Ролларда Баҳром Матчо-

**Зебо НАМОЗОВА,** «ISHONCH»



«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» газеталари тахрир ҳайъати:

- Қудратилла РАФИҚОВ** (тахрир хайъати раиси),
- Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,** **Анвар АБДУМУХТОРОВ,** **Сайфулло АҲМЕДОВ,** **Акмал САИДОВ,** **Равшан БЕДИЛОВ,** **Қутлимурот СОБИРОВ,** **Сухроб РАФИҚОВ,** **Шоқосим ШОИСЛОМОВ,** **Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,** **Нодира КАРИМОВА,** **Анвар ҚУЛМУРДОВ,** (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
- Темур МАМАЖОНОВ,** (Бош муҳаррир ўринбосари – «Ishonch-Доверие» бўйича),
- Меҳридин ШУКУРОВ,** (Масъул котиб – «Ishonch»),
- Валентина МАРЦЕНЯК** (Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)

**Бош муҳаррир** Ҳусан ЭРМАТОВ

**Бўлимлар:** Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69  
 Ҳўқуқ ва халқроқ ҳаёт – (71) 256-52-89  
 Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79  
 Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43  
 Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

[www.ishonch.uz](http://www.ishonch.uz)  
 сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.

- Ҳудудлардаги муҳбирлар:**  
 Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22  
 Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23  
 Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31  
 Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34  
 Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02  
 Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28  
 Тошкент вилояти – (+998-99) 889-98-44  
 Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26  
 Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55  
 Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32  
 Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24  
 Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01  
 Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

**Навбатчи муҳаррир:** С. Абдураҳмонов  
**Мусаҳҳилар:** С. Шодиева, Э. Холмухаммедова, Д. Орипов  
**Саҳифаловчи:** Ҳ. Абдуллович

Босишға топириш вақти – **21:55**  
 Топшириди – **22:30**  
 Газета офсет усўлиди, А-2 форматда босилди.  
 Ҳажми 2 босма табоқ.  
 Буюртма Ғ – **1217**.  
**27684** нўسخа босилди.  
 Нашр кўрсаткичи: **133**

**Баҳоси келишилган нарҳда**  
**Манзилимиз:** 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.  
 E-mail: [ishonch1991@yandex.uz](mailto:ishonch1991@yandex.uz)

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
**Корхона манзили:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

**Тахририят ҳисобрақами:** 2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «Iprotaka bank» Яшнобод филиали, Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130